ишорат ҳам бор. بۇ اى اَنه كَمْتَلِي دەйилган ибора ўрнига اى اَنه كَمْتَلِي ھذا ишорат керак эди. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, энг қадимги ва асосий ўхшатиш қўшимчаси у даврда иккита: *-ча* ва *-так* қўшимчалари эди. Буларнинг ҳар иккиси Орхон ёдгорликларида ҳам учрайди. Ҳаттоки, айрим туркологлар бу қўшимчани миқдор келишиги ясовчи аффикс деб ҳам изоҳлаганлар. Дарҳа-

جي ji — намлик, зах. جي يير ji jēr — нам ер.

جو ju — бўлишли, бўлишсиз феъл буйруқлари охирига қўшилиб, буйруқ маъносини кучайтирадиган қўшимча. Чунончи, كَل جو kal ju — албатта кел. بَرماجو barmaču — зинҳор борма каби²²⁸.

سا sa — шарт маъносини билдирадиган қўшимчадир. اَل اَفْكا بَرسا ol əwğā barsa — у агар уйга борса, қачон борса демакдир. سَن قَجان بَرسا sən qačan barsa sən — агар сен борсанг, каби. Бу фақат феълларга қўшилади.

سا sa — сен маъносидаги сўздир. سا ايرمن sa ajur-män — сенга айтаман. Бу сўз охиридаги алиф سَن sən сэн сўзидаги ن ўрнига алмашгандир ёки سنكا sənka сэнна сўзидан نكا nka нга туширилгандир.

н-н ўрнига الف алмашиниши арабчада ҳам

бор. Чунончи, улуғ тангрининг سَفَعَا səfəʿā сўзидаги ва шоир اعشى ashī Аъшонинг اَللّٰه رَبِّكَ فاعبدا иборасидаги каби.

қиқат, „Қутадғу билик“да бу аффикс анча кенг қўлланган, функцияси кенгайган. Шу билан бирга, у „Девон“да *-cif* ва *-cig* ўхшатиш қўшимчаларини ҳам изоҳлаб берган. Лекин булар фақат исмларгагина қўшилар эди. Аммо бу вазифада қўлланивчи кибі аффиксини Маҳмуд Кошғарий ўғузларники деб қайд қилган. Каби сўзи „Девон“да киб ва кибі вариантларида берилган.

²²⁸ Бу қўшимча ҳозирги ўзбек тилида ҳам буйруқ охирига қўшилиб, айни маънони англатади. Лекин ҳозирги ўзбек тилида -чу эмас, -чи шаклида қўлланади. Бор-чи, келма-чи дегандаги каби. Бу хусусиятга Навоийда ҳам мисоллар кўп:

Эй водийи айман ичра қўйчи,
Итмен сенга ўз қошингда қўйчи.

Бу байтда 1-қўйчи—қўй боқувчи, 2-қўйчи—албатта мени ит ҳисоблаб зинҳор ёнингда қўй, қолдир (зора, Лайли қўйлар томошасига келганда, уни кўриб қолсам).

سۇ cı — асқар. Мақолда шундай келган: **أَنَا عَمَّا أَبْكَالَابُ** —
سوزلامادك سوكا отағқа бпкәләб сүгә сөзләмәдүк²²⁹ —
 чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб, сўнг асқар-
 лар билан сўзлашмади. Бу мақол биров қилган
 бир ишдан аччиқланиб, дўстларидан хафаланувчи,
 улар билан сўзлашмовчи кишига айтилади. Шеър-
 да шундай келган.

سۆكلىدى يېرىبا قرار قر.....سا
 قىجى آنكر آلب آيا ائت بلب آل يشار
 Сү кәлді йәр јапа
 Қарар қар²³⁰
 Қачті анар Алп Аја
 Уфут болуп олјашар.

Ер юзини босиб, асқар келди. Отнинг туёқла-
 ридан чиққан чанг-тўзонлар қорли тоғ тепаларини
 қоплади. **آلب آيا** Алп Аја деган киши қочди.
 У енгил гапидан уялиб яширинди.

²²⁹ Кўринадики, мақолдаги **سوزلامادك** сөзләмәдүк сўзи сўзламади маъноси-
 дадир. Бу ўғузлар тилида ўтган замон феълининг аффикси **-ди** ўрнида **-дук**
 қўллаш хусусиятига мосдир. Маълумки, ўғузлар тилида **ёзим** ўрнида ҳам **ёздук**,
ёзди ўрнида ҳам **ёздук**, **ёздик** ўрнида ҳам **ёздук** қўлланишининг бир неча жиҳат-
 лардан камчиликли эканини Маҳмуд Кошғарий II томда кенг изоҳлаган эди.
 „Девон“да фақат шу ерда, бир мартагина учраши у хусусият тилда озайиб, ўғуз-
 лар бу масалада шарқий группа қабилалар тиллари хусусиятини ўзлаштирган-
 ларидан далолат беради.

²³⁰ Парчадаги иккинчи мисрада бир қанча жой оқ қолдирилган. Басим
 Аталай оқ ерлар сўзи ҳақида бир неча хил мулоҳазалар юритган, бирортасига
 қарор бера олмаган. Биз арабча текстини таржима қилиш билан чекланишни
 мувофиқ топдик.

سى cı — унлилар билан тугаган сўзларга қўшиладиган
 изофат белгиси. Ундошлар билан тугаганда фақат
 ى келади. Чунончи, **آنا** ата сўзи охири унли би-
 лан тугаган сўздир. Бу сўз изофат вазифасида
 қўлланганда, **آنك اناسي** анің атасі шаклида сўз
 охирига орттирилади. **انا** ана сўзи ҳам шундай охи-
 ри унли билан битган сўздир. Буни ҳам изофат
 функциясида қўллаганда **آنك اناسي** анің анасі
 шаклида **سى cı** орттириб қўлланади. Аммо **آنك**
آنك анің атајі дейилмайди. Чунки унда уч юм-
 шоқ ҳарф бир ерда кетма-кет келган бўлади.
 Ҳолбуки, бу сўзлаш учун ёқимсиздир. Шунинг
 учун, сўзлашганда ёқимлилик бўлсун деб, ўрта-
 даги юмшоқ ҳарф **с** га алмаштирилади.

Охири ундошлар билан битган сўзларга кел-
 ганда **أغل** оғул сўзини олайлик. Ўғил сўзини
 изофат функциясида қўллаганда **آنك اغلي**
 анің оғлі дейилади. Бу сўзнинг охирги ҳарфи бўл-
 ган **ل** ҳарфи изофат таркибида келиши натижаси-
 да ўзига унли ҳарфни қабул қилган. Бу ерда **س**
 орттиришга зарурат қолмаган. Шунингдек, **от**
 сўзи ҳам изофат функциясида қўлланганда, **آنك**
آنك анің аті шаклида қўлланади. Бу сўз охиридаги
ت ундоши изофат таркибида қўлланиши натижа-
 сида ўзига унли ҳарфни қабул қилади; **س** ортти-
 ришга эҳтиёж қолмайди.

Изофат қўллашда ҳамма туркий тилларда ҳам қонда шудир. Яъни исмларнинг охири унли ёки ундош билан тугашига қараб иш кўрилади.

شا ша — ола-була йўлли бир хил қуш. **مَالِكِ الْخَرِينِ** деб аталувчи қушга ўхшайди. Бу баъзи одамларга ҳам лақаб сифатида қўлланади. **آرْدَمَ سَزْشَا** эрдәм сиз ша — кўримсиз, фойдасиз қуш демакдир. У ҳар вақт ерга яқин учади.

شو шу — феъллар ўзагига қўшилиб, буйруқ маъноси кучлатувчи **جُرُ**-у қўшимчаси ўрнида қўлланивчи қўшимча. Чунончи: **بَرْغَلِ شُو** барғил шу — албатта бор, борсанг-чи! **كَلِ شُو** кәл шу — албатта кел, келсанг-чи, каби.

شى ши — Чин хоқонларининг соғ-саломатлик сўраш учун қўллайдиган сўзидир. Бу сўз арабларнинг **آيْتِ اللَّعْنِ** „худо фалокатлардан сақласин“, деган иборалари кабидир.

غُو гу — феъл ўзакларига қўшилиб, жой, пайт ёки қурол исмлари ясайдиган қўшимчадир. Чунончи: **بَرْغُو يِير** барғу йёр — бориладиган ер, **تَرْغُو يِير** турғу йёр — туриладиган ер, дейилгандаги каби.

قا қа — идиш, қоп. Лекин бу асосан суюқ нарсалар идишига қўлланади. Чунончи, бу сўз жуфт ҳолда **قَاتَجَا** қақача тарзида қўлланади, қоп-қанор, қоп-қопчиқ²³¹ демакдир.

²³¹ **قَاتَجَا** сўзи, Маҳмуд Кошғарий кўрсатишича, икки сўз бўлиб, ҳар иккиси қўшоқ ҳолда қўлланиб, идиш-оёқ маъносини англатар эди.

قا қа — ўрин-пайт келишиги аффикси -*да* вазифасида қўлланивчи қўшимча. Бу таркибида қ ҳарфи бўлган исмлар ёки, умуман, қаттиқ талаффузли исмлар ва ёки юмшоқ²³² талаффузли исмлар охирига қўшилади. Чунончи, **بَاغْفَا كِر** бағқа кир — боққа кир, **تَاغْفَا يَفْلَا** тағқа јуқла — тоққа чиқ дейилгандаги каби.

قا қа — жўналиш келишиги қўшимчаси -*га* вазифасида қўлланади. Бу қўлланиш аргучадир. Чунончи, **اَنَامْقَا بَيْرِدِم بَرِمَاق** атамқа бёрдәм јармақ — отамга пул бердим. **اَنَامْقَا تَقَار بَيْرِدِم** анамқа тавар бёрдәм — онамга мол бердим каби. Баъзан бу қўшимча изофатдаги лом маъносида ҳам келади. Чунончи, **اَتَمْقَا سُوَز اَيْدِم** атамқа сөз ајдәм — отам учун сўз айтдим²³³.

²³² Басим Аталай бу ерда **الرَكِيكَة** деган сўзни ортиқча деб изоҳ берган. Лекин Маҳмуд Кошғарийнинг мақсади ингичка сўзларда **كا** қўшилади демоқчи бўлса керак. У ҳолда **ويَلْحَقُ «كا» فِي الْاَسْمَاءِ الرَكِيكَةِ** тарзида бўлади. Чунки қуйида (130-бетда) *га* ҳақида шундай изоҳ берган.

²³³ Бу ерда Маҳмуд Кошғарий -*қа* ёки -*га* аффиксларининг сабаб маъносида ҳам келишини изоҳлаган. Илгариги тилшунослар уни мафулўнлаҳ дер эдилар. У араб тилида **ل** ҳарфи билан ясалади. Чунончи, **صَرِيْتِ ابْنِي لِلتَّاءِ دَيْبِ** ўғлимни адаб бериш учун урдим, деганда **ل** ҳарфи учун маъносидадир. -*қа*, -*га* ҳам ана шу функцияда келди демоқчи. -*га*, -*қа* аффиксларининг бу маънода қўлланишига „Девон“да ҳам, „Қутадғу билик“да ҳам мисоллар кўп: Олжазуқига ачиди — у қилган жинояти учун ачинди („Девон“, I том, 210-бет).

Нёқўга ўзәтүрсән қилғу ишинг („Қутадғу билик“).

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, бундан минг йиллар олдин бу масаланинг бутун хусусияти кенг изоҳлаб берилиши тўла таҳсинга сазовордир. Ибн Муҳанна бундан бир қанча асрлардан сўнг ёзилган „Араб филолог о ту-

قى қі — ҳей маъносини берувчи ундов сўздир. Чунончи, قى بىرو كىل қі бёрү кәл — ҳей, бери кел.

Бу сўздаги ق билан ى ораси чўзилиб талаффуз қилинади.

قى қі — яқинлик, қариндошлик маъносида исмлар охирига қўшилиб, севги ва хайрихоҳлик маъносини англатувчи қўшимча. اتا قى атақі — отагинам,

انا قى анақі — онагинам каби.

كا гä — таркибида ك || g ҳарфлари бўлган ва, умуман, юмшоқ ҳарфли сўзлар охирига қўшилиб, жўналиш маъносини билдирувчи аффикс. Чунончи, اَلْ اَفْكَا بَرْدِي ол эwgä бардī — у уйга кирди каби.

Бу аффикс баъзан ўрин-пайт маъносини билдирувчи аффикс маъносида ҳам қўлланади. اَلْ اَفْكَا ол эwgä кирдī — у уйга кирди каби. Баъзан бу аффикс изофа ломи маъносида ҳам қўлланади. اَلْ تَرْكَا كَرْدِي ол тэргä кирдī — у муздли ишга, музд учун ишга кирди.

كُو كُولُك بِلْكَا кў — иззат, ҳурмат. кўлүг билгä — иззатли, билағон.

рецком языке* асариди (15-бет) бу масалани анча мужмал, шу билан бирга тамоман араб тили асосида ёритган. Чунончи, га ни арабча الى илага, -га ни арабча على алага хослаб кўрсатган.

„Девон“нинг II том, 125-бетида -га нинг ана шу маънода келиши изоҳланган. *وَإِذَا كَانَ عَلَىٰ هَذِهِ الْمَعْنَىٰ يَذْكُرُ فِيهِ النَّفْسَ وَهُوَ قَوْلُهُمْ أَوْزُنْكَ أَي لِنَفْسِهِ أَوْزَىٰ نَفْسِهِ وَإِذَا كَانَ عَلَىٰ هَذِهِ الْمَعْنَىٰ يَذْكُرُ فِيهِ النَّفْسَ وَهُوَ قَوْلُهُمْ أَوْزُنْكَ أَي لِنَفْسِهِ أَوْزَىٰ نَفْسِهِ* Узига деган иборадаги -га учун маъносидадир.

У ла — ўғузлар қилинган ишнинг аниқ ва қатъийлигини англатиш учун феъллар охирига қўшиб қўллайдиган таъкид қўшимчаси. Чунончи: اَلْ بَرْدِي لا

ол бардīла — у албатта борди, унинг боргани ҳақиқатдир. اَلْ كَلْدِي لا ол кәлдīлә — у келди, унинг келгани аниқ бўлди. Бу ишнинг бўлганлигини билмагани учун, уни инкор қилаёзган тингловчига нисбатан қўлланади. Бошқа турклар буни билмайдилар²³⁴.

ما ма — феълнинг буйруқ формаси охирига қўшилиб, бўлишсизлик маъносини ифодаловчи қўшимчадир. Чунончи, قَلْ қіл — қилгин, قَلْما қілма — қилмагин каби. Бу қоида ҳар қандай феъл турлари учун ҳам умумий бўлган бўлишсизлик қоидасидир.

ما ма — ма, ол маъносидаги бир сўздир. ما ма — ма, мана, ол демакдир. Бу сўзни баъзан ه ва алиф билан ه ما маһ шаклида ҳам талаффуз қиладилар.

²³⁴ Ўтган замон феълларининг охирига -ла қўшиб қўллаш хусусиятига Навоий асарларида мисоллар кпў:

Жисмимни қатил қилдингиз-ла,

Жонимни залил қилдингиз-ла.

Лабинг фикри бағримни қон қилди-ла,

Чуқон қилди кўздин равон қилди-ла.

Ҳозир Фарғона шеваларида феъл охирларида қўлланиб, паққос, бутунлай, тамоман маъноларини ифодаловчи ла ана шундан келиб чиққанлиги яқин эҳтимолдир. Навоийда ана шу ҳол намуналари учрайди:

Умрдин но умид бўлдим-ла,

Меҳнати ҳажр ичинда ўлдум-ла.

Бу ҳол арабча **كَابِرِيَّةٌ وَ هَبْرِيَّةٌ وَ اَرَاقٌ وَ هَرَاقٌ** ка-
би қўлланиши сингаридир.

ما ма — бу сўз эчки ва қўзиларнинг маъраш овоз-
лари маъносида ҳам қўлланади. Бунда арабчага
мослик бор. Чунончи: **بِاسْمِ الْمَاءِ ذِي الرِّمَّةِ** сўзи
مَبْغُومٌ иборасида ҳам келгандир.

مو му — исм ва феъллар охирига қўшилиб, бирор
нарса ҳақида сўраш маъносини англатувчи қўшим-
ча. Чунончи, **بُوَ اَتْمُو** бу атму — бу отми? **بُوَ**
اَتْمُو бу йтму — бу итми? каби.

Феълларда қўлланишига мисол: **بَرْدَنْكُمُو** бар-
дїңму — бордингми? **كَلْدَنْكُمُو** кәлдїңмў — келдинг-
ми каби. Ўғузларнинг баъзилари III шахс феъл
турларига сўроқ қўшимчасини қўшишда турклар-
дан фарқладилар. Улар **م** ни касра қилиб, **و** ҳар-
фини **ى** га алмаштирадилар: **اَلْ بَرْدِيْمِي** ол бар-
дїмї — у бордими дейдилар. Бу фарқ фақат феъл-
ларда бўлиб, исмларда улар ҳам турклар билан
мос қўлладилар. Чунончи, улар ҳам **بُوَ اَتٌ**
بُوَ اَغْلٌ бу ат сәниңмў — бу от сеникими, **بُوَ**
سَنْكُمُو

سَنْكُمُو бу оғул сәниңмў — бу сенинг ўғлингми
тарзида қўлладилар²³⁵.

نا нә — нима. **نَا تَيْرِ سَنَ** нә тәр сән — нима дерсан²³⁶.

نا нә — араб тилида таажжубни англатувчи **ما** ма
қўшимчаси вазифасида қўлланувчи қўшимча. **اَلْ**
مَا اَذْكُو كِشِي اَلْ нә мә әзгў кїшї ол — қандай
яхши одам у. Бошқаси ҳам шундай. **لَا مَا يَفْرُ نَانِكُ**
اَلْ بُو нәмә јавуз нәң ол бу — бу қандай ёмон
нарса.

نو нў — на қўшимчаси ўрнида *нима* маъносида қўл-
ланадиган қўшимча. **نُو تَيْرِ سَنَ** нў тәр сән — ни-
ма дейсан. Бу сўзнинг асли **نَاكُو** нәгўдир; сўз-
дан **ا, ك** а-г ҳарфлари туширилган.

²³⁵ Маҳмуд Кошғарий ўзининг бу изоҳи билан *-ми* қўшимчасининг у давр
тилида тутган мавқеини ҳар томонлама кенг изоҳлаб берган.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу қўшимча кенг қўлланади. Лекин ҳозирги ўзбек
тилида бу қўшимчада маълум ўзгариш ҳам юзага келган. Ҳозир *-му* эмас, *-ми*
шаклида қўлланади. Бу ўзгариш Навоийдан сўнг юзага келган. Навоийда
„Девон“дагича *-му* шаклида учрайди. Шу билан бирга, ҳозирги ўзбек тилида
бу қўшимчанинг маъноси анча кенгайган. Бу сўроқ қўшимчасининг маъносидаги
ўзгариш Навоий давридаёқ юзага келган эди. Навоий ва, умуман, классик
адабиётда бу қўшимча бир неча хил маъноларда учрайди:

1) сўроқ маъносида:

Холим ғами еб *тўярму* эркин,
Кўз мардумини *ўярму* эркин.

2) сўроқ-инкор:

Бўлғайму эдим назарда маъзур,
Қилғайму эдим кишини манзур.

3) сўроқ-тасдиқ:

Рухсоринг ўтида холи ҳинду
Ўзидек улусни *куйдурурму*.

²³⁶ Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг лугат маъносини изоҳлаган. Бу сўз грам-
матик жиҳатдан у давр тилидаги сўроқ олмошидир.

булутуғ түпі сүрәр, қарақу ішіг урунч ачар — осмонни қоронғи қилған қора булутдан осмонни бұрон очади. Шунингдек, шоғлар эшигидаги қоронғи ишни пора ҳал қилади. Бу мақол зарурат юз берған кишининг пора беришига ундаб айтилади.

سُبِي с у б і — ҳар бир узун, учи чиққан нарса. Одам боши юмалоқ бўлмаса **سُبِي بَاش** сүбі баш дейлади.

قُبَا қ у б а: **قُبَا أَت** қуба ат — сочи қўнғир рангли от. Шу хилдаги ҳар бир рангга ҳам шундай дейлади.

قَپَا қ а п а — ҳар бир баланд нарса. **قَپَا يُونُكُلُكُ أَق** қапа јўглўг оқ — пати баланд ўқ.

كُپَا к у п ä — зирак, исирға.

كُبَا к у б ä: **كُبَا يَرُوق** кубä јаруқ — темирдан қилинған кўйлак.

كِبَا к і б ä — оз вақт, қисқа замон (ўғузча). **كِبَا بُلْدِي** кибä болдī — озгина вақт ўтди.

بِتِي б і т і — осмондан нозил бўлған китоблар: таврот, инжил, забур, қуръонлардан бириси.

بُتَا б у т ä — кўп, мўл. **مَنْ اَنْكَرُ بُتَا يَرْمَاقُ يِيرِدِم** мән аңар бўтä јармақ бёрдīm — мен унга кўп танга бердим. **بُو ايشَقَا بُتَا بُلْدِي** бу ішқа бўтä болдī — бу ишда замоннинг бир қисми ўтди. Бу сўз ўғузларнинг **كِبَا** кибä — оз вақт маъносидаги сўзлари кабидир.

بَتُق б о т у қ — туя бўталоғи.

جَتُق ч а т у қ — Чиндан келтириладиган бир хил денгиз балиғининг шохи. Баъзилар айтишича, пичоқ сопи учун фойдаланиладиган бир дарахт илдизидир. У билан таомда заҳарнинг бор-йўқлиги синалади. Шундайки, бу шохни шўр ва бошқа таом устига қўйилса, таомда ўз-ўзидан ҳаракат пайдо бўлади. Олов ёқилмаган ҳолда таом қайнай бошлайди. Ёки идишга у шох қўйилса, идишдан буғ чиқмаган ҳолда тер пайдо бўлади.

سَاتَا с а т а — маржон²⁴⁰ (тақиладиган зийнат асбоби).

شُتِي ш у т і — ўргимчак, чаён каби ҳашаротлар. Бу сўз асосли сўз эмас²⁴¹.

قَاتَا қ а т а — бир марта. **بِير قَاتَا اَيْدِم** бир қата ајдīm — бир марта айтдим.

قَايُو қ а ј у — қайси. Бу сўзнинг **خَايُو** хају шакли ҳам бор; **ق** ҳарфи **خ** билан алмашгандир: ўғуз ва қипчоқлар **ق** ни **خ** га алмаштирадилар. Улар халачларнинг

²⁴⁰ Бу сўзни арабча **البَصْد** деб изоҳ қилинған. Ёнига аниқсизлик белгиси қўйилған. Басим Аталай изоҳига кўра бу сўз қўлэзмада ҳам шу хилда **البَصْد** шаклида берилған экан (қаранг: „Девон“ таржимаси, III том, 218-бет). Маржон маъносидаги сўз **البَسْد** бўлиши керак эди. Аниқсизлик белгиси, эҳтимол, ана шу янглишликка қарши қўйилған бўлса.

²⁴¹ Бу сўз босма нухада **الش** шаклида изоҳ қилинған. Ёнига аниқсизлик белгиси қўйилған. Басим Аталай бу ҳақда ҳеч қандай изоҳ бермай, *қирқоёқ*, *ўргимчак*, *чаён* каби ҳашаротлар, деб изоҳ берған. Бу изоҳга кўра, арабча изоҳ **الشبث** бўлиши керак. Қўлэзмада шундай бўлса керак деб тахмин қилиб, биз ҳам шундай олдик

бир тоифасидир. Турклар **قیزم** қізім десалар, улар **خیزم** хізім дейдилар. Турклар **قندا آردنگ** қанда әрдің — қарда әрдинг десалар, улар **حندا آردنگ** ханда әрдің дейдилар.

کتو кәтү — том.

کتو кәтү — майиб, мажрух, чўлоқ.

بچي бучі — бир турли чолғи.

سجا сәчә — чумчуқ (ўғузча).

سجو сачу — тўн, рўмол ва шу кабиларнинг ҳошияси, шокиласи.

قجو қочу — уйғур шаҳрининг номи. У ердаги шаҳарларнинг ҳаммаси шундай аталади.

كجا кәчә — намаг (ўғузча).

كجي кәчи — әчки (ўғузча).

كجا кәчә — кеч, кечқурун. Шеърда шундай келган:

كجا تورب يور آردم قرا قزل بري كردم
قنغ ياني قرا كردم قيا كورب بقو اغدي

Кәчә туруп јорір әрдім
Қара, қізіл бөрі көрдүм
Қатіғ јані қура көрдүм
Қаја көрүп бақу ағді.

Кечаси туриб кезар әдим. Қора, қизил бұриларни кўриб қолдим. Кучли, қаттиқ ёйимни отишга ҳозирландим. Бұрилар менга қарашди, мени кўриш билан орқасига, юқориларга кўтарилди.

كجا кәјә — қовун, бодринг ва шунга ўхшашларни ташинишда фойдаланиладиган замбил, қоп, кажава.

نجا нәчә — қанча маъносидаги бир сўз. **نجا يرماق** нәчә јармақ бәрдін — қанча танга (пул)

бердинг. Баъзан бу сўз сўроқ қўшимчаси маъносида, яъни қандай маъносида ҳам келади.

تدو таду — инсон табиати.

تاداتا тада-тата — манзара, бу ўн қадам ердан кўринарлик ер бўлаги.

ددا дәдә — дада, ота (ўғузча).

قذی қузі — ҳар нарсанинг қуйиси. **ال قذی الدی** ол қузі ілді — у қуйига тушди, демакдир.

بری бөрі — чия бұри. Мақолда шундай келган: **بوری**

قشنيسن يماس бөрі қошнісін јәмәс — чия бұри қўшничилик ҳақиға риоя қилиб, қўшнисини емайди. Бу мақол қўшничилик ҳурматига риоя қилиши зарур бўлган кишиларга ундаб айтилади.

بری бөрі — ўқ учига ўтказилган темир ҳалқа. Бунини **باشق بريسي** башақ борісі дейилади.

بری борі — ичимлик идишларидан ичимлик оқиб кетмаслиги учун унинг оғзига тикиб қўйиладиган тикин, пўкак.

تُرِي түрі: تَرِي نَانِك түрі нәң — таъми мози таъми-га ўхшаш қўланса, тахир бўлган ҳар бир нарса. Қаттиқ, қўпол хулқли одамга تَرِي كَشِي түрі киши дейиш ҳам шундандир.

تُرا тура: تَرَا قَلَقْن тура қалқан—душмандан сақланиш учун ёпинчиқ ўрнида қўлланадиган қалқон, сипар.

تُرا тōрә — (ингичка ð билан) тўр, уйнинг тўри, юқориси. تَرَا يُقْلَادِي тōрә жуқладі — тўрга чиқиб ўлтирди. Бу сўз تُور тōр шаклида ҳам қўлланади.

تُور тōрў — расм, одат. Мақолда шундай келган: اَيْلُ قَلِيرُ تَرُو قَلْمَاسُ э! қалір тōрў қалмас — мамлакат ташланади-ю, одат ташланмайди. Бу мақол олдингиларнинг одатларини сақлашга ундалган одамга нисбатан қўлланади.

تَرِي тәри — тери.

سَرُو сәрў — уйда эшик устига қилинадиган раф, унга ҳар хил буюмлар қўйилади.

قَرَا қара — ҳар бир қора нарса. Хоқония шоҳлари قَرَا қара деб аталади. قَرَا بَغْرَا Боғра қара хақан дейилгани каби. Бунинг махсус ҳикояси бор.

قَرَاقُش қарақуш — қирғий.

قَرَاقُش қарақуш — Муштарий юлдузи. Бу тонг вақтида чиқади. Баъзан буни قَرَا قُش يَلْدُز Қарақуш жулдуз деб ҳам атайдилар.

قَرَاقُش қарақуш — туя оёғининг тег атрофлари.

قَرَا أَرْن қара орун — гўр. Шеърда шундай келган:

بَرْمِشُ سَنِكِ بِلْ يَلْنِكُ تَبَرِ قَرِنَقَا
قَلْمِشُ تَقَرُ أَدْنِكِ كَرَسَا قَرَا أَرْنَقَا

Бөрмиш сәнн бил

Јалїнуқ тапар қарїнқа

Қалмиш тавар азїннїң

Кїрсә қара орунқа.

Билгилки, бировларга берганинг ёки ўзингеганинггина сеники, чунки одам қорни учун хизмат қилади. Одам гўрга киргач, қолган моли бошқаникидир. قَرَا أَرْن қара оруннинг асли маъноси қоронғи ер демақдир.

قَرَا بَاش қара баш — қулларга берилган ном. Эркак бўлса ҳам, аёл бўлса ҳам бир хилда айтила беради. Қора бош демақдир.

قَرَا أَت қара от — заҳарли, бир турли ўт. У одамни ҳалок қилади.

قَرَا يَاغ қара јағ — қора ёғ, нефть.

قَرَا سَنَكِر қара сәңир — Барсағон ўлкасидаги бир жой номи.

قَرَا اَتْمَاك қара этмәк — бу бир хил нондир. Шундайки, гўшт ҳил-ҳил пишиб, сўнгақлари айрилиб кетгунча қайнатилади. Сўнг устига ун, ёғ, шакар солинади, бир-бирига аралаштирилиб қуйилгунча қай-

натилади, сўнг ейилади. Бу **قَرا قَرا** қара қура тарзида ҳам қўлланади.

قَري қарі — ҳар бир қари, кекса, кўп яшаган нарса. Чунончи: **قَري آت** қарі эр — қари одам. **قَري ات** қарі ат — катта ёшли от демакдир. Бошқаси ҳам шундай.

قَري қарі — қўл ўлчови, қўл узунлигидаги ўлчов.

قَري қарі — бўз ўлчайдиган ўлчов, газ. Бу сўз аввалги сўздан олинган. Бу сўзда арабчага мувофиқлик бор. Чунки қўл ўлчови билан кийим ўлчови ҳар икки тилда биргина сўз билан ифода қилинган-дир²⁴².

قَري قَري қурі-қурі — тойча бия (онаси)дан орқада қолганда етиб олишга ундаб чақириладиган сўз. Баъзан сўз охиридаги **ی** ҳарфи **ه** га алмаштирилиб, **قَره قَره** қурреҳ-қурреҳ шаклида ҳам талаффуз қилинади.

قَرو қуру — темирдан қилинган уч бутоқли бир хил жанг асбоби. Қипчоқлар тилида.

قَرو на ру — томон маъносидаги бир сўз. **قَرو بار** на ру бар — у томонга бор демакдир²⁴³.

²⁴² XI асрда бу сўз икки хил, лекин бир-бирига яқин ўлчов маъносида қўлланган. Навоийда ҳам бу сўз учрайди. Лекин Навоий даврида биргина маънодадир.

Етиб аъдо сипоҳи минг қаридин...

Тошиға минг қари ердин нишона.

²⁴³ Маҳмуд Кошғарийнинг бу сўзнинг ўзига ва бунга берган мисол изоҳида бу сўзга жўналиш келишиги сифатида ёндашганлиги ҳам англашилади. Бу сўз II томдаги бир шеърда ҳам шу маънода—у томонга маъносидадир: **قَرو ذَغيل كَواز**

بَري бізі — куйиш натижасида нон юзида пайдо бўладиган қоралик. **بَري اَتمَاك** ётмак бізі болді — нон юзи куйди.

قَري қазі — одам қорнининг буклами, от қорнининг ёғи. **قَري يَاغ** јунд қазісі јағ — от қорнининг ёғи. Туркларнинг энг ёқимли гўшти шудир.

قَري қозі — қўзи, қўзичоқ.

بَسا баса — сўнг маъносидаги сўз. **مَن اَندا بَسا كَلمَ** мән анда(н) баса кәлдім — мен ундан сўнг келдим.

بَسو басу — тўқмоқ. Бир тилда.

تَسو тусу — фойда, даво. **اَل اَت مَناك تَسو قَلدی** ол от мәнә тусу қилді — бу ўт (дори) менга фойда қилди.

نارو қозғил **гўвәз** на ру — такабурликни нарига от каби. Шуниси ҳам борки, бу сўз „Қутадғу билик“да бу оттенкалардан узоқлашиб, бошқа маънода қўлланган: **نارو بَرجا يَلقى سانی** ікідән на ру — бәрча јіләкī сані. Навоийда бу сўз **нари** шаклида қўлланиб, „Девон“ дагича **томон** ва **узоқлик** маъноларида қўлланган:

Нари юзда Доройи анжум сипоҳ,

Боши узра гардун киби бор гоҳ.

Дема мендин бўл йироқ ким тушмишам — андин йироқ,

Ким эмас мумкин яна бўлмоғлиғим мундин *нари*.

Гар топса бу сўзидин надомат,

Ул нарию, биз бери саломат.

Ҳатто, Навоийда бу сўз **сўнг** маъносида ҳам қўлланган:

Дибон бошимни янч, эй чархи заркор,

Ким ул эрмас букундин *нари* даркор.

Демак, ҳозирги ўзбек тилида **нари** сўзининг узоқ ва бошқа маъноларда актив қўлланиши Навоий давридаёқ бошланган эди.

قسي қасі—құй ва бошқаларни совуқдан сақлаш учун ёғочдан қилинган оғилхона. Бошқаси ҳам шундай. قسي بادم қасі бадім — оғилхона солдим.

قسي қасі — бизларга тегишли бўлган бир жой.

توشو-توشو тушу-тушу — эшакни тўхтатиш учун қўлланадиган сўз. Баъзан ت ҳарфи билан ش ҳарфи орасига ر ҳарфи ҳам орттирилади. Лекин уни ҳеч вақт ёзиш мумкин бўлмайди.

تشي тiшi — ҳар нарсанинг урғочиси²⁴⁴.

كشي кiшi — одам. Бу сўз бирликка ҳам, кўпликка ҳам, эркакка ҳам, аёлга ҳам фарқсиз қўллана беради.

كشي кiшi — хотин. Мен буни яғмолар тилида эшитдим. آل كشي الاديمو ол кiшi алдiму — у хотин олдими, демакдир.

بغا буға — Ҳиндистондан келтирилдиган бир даво. Бунинг сариғига سارغ بغا сарiғ буға, кул рангига بوز بغا боз буға дейилади. Бу тўқ сариқ ва қўнғир рангли ҳам бўлади.

تغا туға — касаллик, руҳ оғирлиги. ايگ تغا ig туға — хасталик, руҳ оғирлиги, демакдир.

جعي чоғi — бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сотиш учун олиб борилган мол. Бу сўз ҳамма туркий

²⁴⁴ Босма нусхада бу сўз изоҳида يَقَع деган бир феъл бор, лекин бу феълга тегишли бошқа сўз йўқ. Шунинг учун китобнинг ўзида ҳам аниқсизлик ишорати қўйилган: (۱) نشي الالائي من كل نشي يقع (۱) Басим Аталай бу ҳақда ҳеч қандай изоҳ бермаган. Демак, қўлёзмада ҳам шундай бўлса керак.

тилларда جعي чуғi шаклида, фақат арғуларда جعي чағi шаклидадир.

قغو қуғу — бир қушнинг номи.

سغو сағу — ўлчов.

تشي тәwәj—туя. Бу сўз бирлик ва кўпликка қўллана беради. Бу сўз икки маҳраж орасидаги ف яъни w билан қўлланади. Лекин ўғузлар دوا dәwä дейдилар.

چفا чава — ёшларга берилган исмлардан.

جشي чуwī — хўтанликлар тартибида хоқондан икки даража қуйи бир вазифадаги кишига берилдиган унвон номи. Туркларда бу бошқачадир.

جشي чiwi — бир тоифа жинлар номи. Бу шундайки, икки гуруҳ турклар бир-бирлари билан урушганда, урушдан олдин ҳар қайси гуруҳ юртида яшовчи жинлар ўз юртларидаги одамларга эргашиб, бир-бирлари билан жанг қиладилар. Қайси юрт жинлари енгса, эртасига ўша юрт шоҳи ҳам ғалаба қилган бўлади. Қайси юрт жинлари енгилса, у юртдаги шоҳ ҳам енгилган ҳисобланади. Жанг қилувчи гуруҳлар аскарларига жинлар ўқлари тегишидан қўрқиб, чодирларига кириб яширинадилар. Бу турклар орасида тарқалган урф-одатдир.

قشي қowī: قشي يجاج қowī jīgач—қуруқ, чурук ёғоч. Бу сўзнинг قوي қowī шаклидаги талаффузи ҳам бор.

قَفِي qowī: قَفِي آرُ qowī эр — бахтсиз одам (арғуча).
Мақолда шундай келган. قَفِي آرُ قَدُّعًا كَرِ سَائِلِ الْبِرِّ

qowī эр қудуғқа кірсә jәl алір — бахтсиз одам
қудуққа тушса ҳам, қийнаш учун шамол уни
қудуқдан чиқариб олади.

بَقَا ба қа — қурбақа, тошбақага بَقَا مُنْكَزُ مۈنۈز ба
қа дейиш ҳам шундан олинган.

بِقَاجِقُ ба қ а ч у қ — бақанинг кичрайгани. У кифт билан
қўл орасидаги гўштдир.

بَقُو ба қ у — тепа, баландлик.

بُقَا бу қ а — буқа.

تَقِي та қ і — яна маъносидаги сўз. تَقِي يَرْمَاقِ پِيرِ тақі
јармақ бэр — яна танга (пул) бер. Бу сўз баъзан
ўғузларда ҳам (бирга) маъносида ҳам келади.
اَلْ تَقِي اَنْدَا Ол тақі анда — у ҳам у ерда.

تَقُو то қ у — камар тўқаси.

سَقَا са қ а — тоғ этаги.

سُقُو су қ у — ҳовонча. Бу сўзнинг асли икки қ ли эди,
енгиллатилган, баландлик маъносидаги بَقُو бақу
сўзи ҳам икки қ ли эди, уни ҳам енгиллатиб олин-
ган. Шунингдек, *эмғир ёпинчиғи* маъносидаги
يَقُو јақу сўзининг асли ҳам يَاقُو јағқу эди, қис-
қартирилган. Бу тангрининг فَظَلْتُمْ تَفَكَّهُونَ ояти-
даги кабидир. Бунинг асли فَظَلْتُمْ تَفَكَّهُونَ эди,
қисқартирилгандир. Бунда ҳам шундайдир.

أَرِي قَفِي у р і қ і қ і — шовқун-сурон.

بُكَ б у к ä — катта узун илон. Мақолда шундай келган:

يَتِي بَشَلِغِ يِلْ بُكَ jәtti башлғ jil бұкә — етти бош-

ли узун илон. Ябоқуларнинг энг улуғ катталарини

бу сўз билан بُكَ بُدْرَجْ Букә будраж деб атал-

гани каби, баъзан баҳодирларни ҳам бу сўз билан

атайдилар. Ябоқулар етти юз минг аскар билан

қирқ минг аскарга эга бўлган Арслон Тегин Го-

зийга қарши қилган жангда худо уларни мағлу-

биятга учратди. Маҳмуд Кошғарий айтади: мен

бу жангда иштирок этганлардан: кофирлар шунча

кўп бўлганлари ҳолда нега енгилди? — деб сўра-

дим; урушда кофирлар шунча кўп бўлган ҳолда

нега қочишди? — дедим. У айтди: биз ҳам бунга

ҳайрон қолдик-да, кофирлардан сўрадик, уларга

шунча кўпчилик бўла туриб, қандай қилиб енгил-

дингизлар, дедик. Улар айтдилар: жанг ногораси

чалиниб, ҳамла бошлангач, бошларимиз тепасида

осмонни тўсиб турган яшил тоғ кўрдик. Унинг

саноқсиз эшиклари бор эди, ҳар бир эшик очиқ

эди. У ердан бизга дўзах ўтларини ёғдиришар

эди. Биз ундан хавфда қолдик, сизлар енгдингиз-

лар. Бу пайғамбарнинг мусулмонлар ҳимояси йў-

лидаги мўъжизаларидандир, дедим.

بَكِي б ё г і — эркакларнинг номларидандир.

بُكُو бөгү — билагон, донишманд, ақлли. Бу сўзни بِلْكَ билкә сўзи билан бирга بِلْكَ бөгү бил-гә деб қўллайдилар. Шеърда шундай келган:

بِلْكَنِي اِرْدَدِمْ بُكُونِي اَزْدِمْ
 اَزْمَنِي اَزْدِمْ يَلْغَلْ اَتَمْ بَزَلِنُوْر

Билігні ірдәдім
 Бөгүні узурдум
 Озүмні азірдім
 Јалғил атім јазлїнур.

Илму донишни истадим. Илмли, донишмандларни қидирдим. Ўзимни одамлар орасидан айирдим. Бунинг учун оқ ёлли отим ечилади.

تَاكَا — эркак кийик. Унинг шохидан ёй қилинади.

تَاكَا — така. Кўса одамга تَاكَا سَقَالُ тәкә сақал дейиш ҳам шундандир. Бунда унинг соқоли таканинг соқолига ўхшатилади.

تُكَا — сигир боласи, икки ёшли бузоқ. Урғочи бузоқ تُكَا дейилади²⁴⁵.

تِكُو — бўлак. بَيْرُ تِكُو اَتُ бир тикү эт — бир бўлак гўшт. Аслида ك ҳарфи икки қайта такрорланган эди. Юқорида айтилганларидек енгиллаштирилгандир.

²⁴⁵ Бу сўзнинг арабча изоҳида бир аниқсизлик бор: وَالْاَيْتِي تَسْمِي تَاكَا деб берилганки, урғочиси تَاكَا дейилади, демакдир. Басим Аталайнинг бу ҳақдаги изоҳига кўра, қўлзмада ҳам шундай экан. У киши ўзича تَاكَا تَشِي тiшi тўка бўлиши керак, деб изоҳ берган.

جِكِي jigi — пишиқ. جِكِي يِي jigi ji — пишиқ чок. Бу сўздаги ج ҳарфи يِكِي تِكْتِي jigi tikti — пишиқ тикди иборасидаги يِكِي jigi сўзидаги ي ҳарфи билан алмашган. Бу хусусият китобнинг бошида айтганимдек, қипчоқ ва бошқалар тилида ج ни ي билан алмашиш ҳодисасидир. Чунончи, улар يَنْجُو jinjūни جَنْجُو чinjū дер эдилар.

تُكُو تِكُو тукү тукү — кучук боласини чақирришга қўлланадиган сўз.

تِكِي тўғи — тариқнинг пўсти олиниб, тозалангандан кейинги мағзи (ўғузча).

تِكِي тiгi — кечаси эшитиладиган гувуллаган овоз. Турклар тушунчасида ўликларнинг руҳлари ўзлари яшаган шаҳарга ҳар йил бир кечаси тўпланадилар, у шаҳар халқларини зиёрат қиладилар. Кечаси гувуллаган ана шу товушни эшитган киши ўлади. Туркларда бу тушунча кенг тарқалган. Бу сўз тилда تِكِي тiгi шаклида қўлланса ҳам, менинг наздимда تِكِي тәгi бўлиши муносиброқдир. Чунки хотинлар ўз оиласини кўришга бориб, уйига қайтганда تِكِي كَلْدِي тәгдi кәлдi²⁴⁶ дейилади, зиёратчи келди, демакдир (бу сўз ана шундандир).

سَكُو сәкү — дўкон, ҳунархона.

²⁴⁶ Бу ўринда юқоридаги мулоҳазага мувофиқ تِكِي كَلْدِي бўлиши керак эди.

سكا sōkā: اَر سكا التردى әр сөкә олтурдї — одам

чүккалаб ұлтирди. Шеърда шундай келган:

اَرْن ايدب سكا تردى بَشِي بَيْنِن سكا تردى

اُفْت بُولُبُّ بكا تردى اُدُو قَمَا تَبِن تَغْدِي

Әрән ізіп сөкә турдї

Башї бојнїн сөкә турдї

Уфут болуп бұкә турдї

Узу қама тібән тїгдї.

Енгилган одамни англатиб айтади: у менга бир қанча одамларни юборди. Улар ёнимда тиз чўкиб ўтирдилар. У бошлиқлари қилган ишига уялиб, бошини қуйи солди, бўйинини эгди, халқдан уялиб яширинди. Шошилиб менга келиб: мени таъқиб қилма, деди. Мен ҳам мувофиқ топдим.

ككوي kōkū — хола. Бу сўзнинг ككوي kōkūj шаклида ҳам талаффузи бор. Тўғриси шудир. ككويم ككدي kōkūjm kēdī — холам келди, каби.

بلا бала — қуш боласи. Шунингдек, йиртқич ва бошқа ҳайвонларнинг ёш боласига ҳам истиора равишда бу сўз қўлланади. قش بلاسي قسنجغ ات қуш баласї қусїнчїғ, ит баласї охшанчїғ — қуш боласини пат чиқармасдан олдин кўрган одам жирканадиган бўлади, аммо ит боласи ўйинчоқдай ёқимли бўлади. Катта бўлгач, акси бўлади.

بلو балу — арғуларда кичик шаҳар номи.

بلو بلو балу-балу — оналар боласини бешикда ухлатиш учун қўллайдиган алла ўрнидаги сўз.

بلا бала — ишларда одамга ёрдам берадиган ёрдамчи. Бу сўз кўпинча деҳқончилик ишларида ёрдам беришга қўлланади.

تلو tēly — телба²⁴⁷, тентак (ўғузча).

تلو талу: تلو نانكو талу нән — танланган нарса.

تلو толу — тўла. تلو اذش толу ізіш — тўла идиш.

Ҳар бир тўла нарсага ҳам бу сўз қўлланади.

تلي толі — осмондан ёғадиган жала, дўл*.

تلي tili — ўқ темири устига чулғанган қайиш.

جلا čilä — оғилхонадаги отнинг ҳўл ҳолдаги янги тезаги.

سلي салї — андава.

سلي sūli — қулларга бериладиган номлардандир. Бу сўз سليمان sūlājmān сўзининг қисқаргани кабидир.

قلا қула: قلا ات қула ат — заъфарон рангли от.

قلي қалї — қандай, агар, башарти маъносидаги сўз. Шеърда шундай келган:

²⁴⁷ Биздаги ҳозирги телба сўзи ана шу ўзакдандир. Навонийда телба шаклида учрайди:

Базмдағи қари-ю гар худ йигит,
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.

(Шоҳ базмига иштирок этган қария ҳам, йигит ҳам мастликдан телба ит ҳолига тушган эди).

* Орхонда бу сўз талуи шаклида денгиз деб берилган. Қаранг: С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности, М., 1951, стр. 27, 34.

مما мама — ғалла янчиш вақтида ўртага қўйилган ҳўкиз. Хирмонда бошқа ҳўкизлар бунинг атрофида айланади.

مامو маму — никоҳ кечаси келин билан бирга юбориладиган хотин, янга. Бу сўз аслида туркча эмасдир.

نما нэмә — билмадим, деган маънодаги сўз. نما نا нәмә нә қилдī — билмайман, нима қилди, каби²⁴⁹.

تانا тана — кунжут, ҳар хил уруғ турлари. Уч ва Арғулар тилида.

من برغاي...²⁵⁰ — „кўрарсан“ маъносидаги икки сўз. تينو تيمو мэн барғај мэн јаму — мен тезда бораман, кўрарсан.

سني сунī — уйнинг ёғочи, тўсини.

قنو қану: قنو كشي қану кīшī — қайси одам. Арғулар сўзи. ن ҳарфи ى ўрнига алмашган.

قني قاني қанī-қанī — қаерда маъносидаги сўз. اعلم قني оғлум қанī — ўғлим қани.

كني кōнī: كني نانك кōнī нәң — тўғри нарса. Ишончли кишига ҳам كني ار кōнī эр дейилади.

²⁴⁹ Маҳмуд Кошғарийнинг бу изоҳидан фақат бирор ҳолатга, яъни сўзловчи билолмаган нарсага хос бўлиб қолган. Ҳолбуки, у давр текстларида сўзланган ёки ишланган ишни билмаслигигагина эмас, умуман, номаълум нарса маъносида учрайди.

كني кўнī — қума. Мақолда шундай келган: كني نك кўнīнīң кўлīнā тэгў јағī — қуманинг кулигача душмандир. Ҳаттоки, кули дўстининг кўзига тушади.

منو муну — мана маъносидаги сўз. Бу сўз قاني қанī — қаерда деган сўзнинг жавобидир.

دوا дава — юлғун ёғочининг меваси. Уни буёқчилар ишлатадилар.

دوا дава — юнг бўлаги. Юнг титилиб, калава қилиниб, қўлга ўтказилади, сўнг йигирилади.

قوا қова — қовға (ўғузча).

قوا қова — туркий юганларда бўладиган от бурнига тегиб турадиган қайиш.

Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланадиган فاعل шаклидаги сўзлар

لستو...²⁵¹ — бир хил таом. Сув, қор, муз каби нарсаларга қўйиб совитилади. Сўнг ичига кўкатлар солинади. Совуқлик нарса ўрнида ейилади.

قاجا қача — қоп, халта. Шундан олиниб قاجا қақача дейилади. Баъзан қисқартиб قجا қача тарзида ҳам талаффуз қиладилар.

قوجو қоју — уйғур шаҳарларидан бирининг номи.

²⁵⁰⁻²⁵¹ Босма нусхада бу сўзларнинг ёзилишида аниқсизлик бор. Басим Аталай изоҳига кўра, бу сўзларда қўлэзмада ҳам аниқсизлик бор экан (қаранг: III том таржимаси, 238-бет).

جُوْجُوْ чучу — турк шоирларидан бирининг номи.

قِيَجِي ... — ҳардал.

اُوْنُو уну — уни. مُونُو муну — муни²⁵².

سُونُو суну — шуниз.

قَانِي қані — қаерда маъносидаги сўз.

لِيُو liju — қуриганда қуруқ балчиққа айланадиган қум билан аралаш лой.

اُوْهِي ūhi — бойқуш. Кўпчилик турклар اُوْكِي ūki шаклида талаффуз қиладилар.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи
فَعَال шаклидаги сўзлар**

خِتَاي хитај — юқори мансаб номи.

تَغَاي тагај — амаки.

²⁵² Маҳмуд Кошғарий бу ерда кўрсатиш олмошларини турли хилларга бўлиб берган. Уни олмошини ذاك маъносида деб изоҳлаган бўлса, бу олмошини هذا деб изоҳлаган. Демак, уни узоқни, бунни яқинни кўрсатишга қўлланар эди, деб изоҳлаган. У давр тилида яқинни кўрсатишга бу, мана сўзлари қўлланган, узоқни кўрсатишга у шакли қўлланган. Буларнинг бирлик, кўплик шакллари ҳам бор эди: у, бу, улар, булар каби. „Қутадғу билик“да бу олмоши асосан му шаклида учрайди. Бу асарда кўрсатиш олмошларининг ҳар хил вазифаларда келганига мисоллар кўп. Биз бу ерда фақат узоқ, яқин маъносида қўлланган мисолни бериш билан чекланамиз:

Тиласаң муні тут, тиласаң ані.

جَغَاي чігај — камбағал. Шеърда шундай келган:

كُنْكَلْ كَمَنْكْ بُلْسَا قَلِي يُوْقْ جَغَايْ

قَلْسَا كَجْنْ بَلْمَسْ أَنِي تَقْ بَايْ

Көнүі кімің болса қалі жоқ чігај²⁵³

Қілса күчүн болмас ані тоқ бај.

Кўнгли оч, йўқсул бўлган кишини куч билан тўқ, бой қилиш мумкин эмас.

**Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланувчи
فَعْلَى шаклидаги сўзлар**

تُرْنَا турна — турна.

قَرْوِي қарвај: يا قَرْوِي қарвај ја — ингичка ёй. Нозик қошли кишига قَرْوِي قَشْنِغْ كَشِي қарвај қашліғ кіші дейиш шундандир. Бу сўз арабчага мосдир. Чунки قَرْوِ қарва араб тилида ҳар бир ёй каби эгилган нарсага нисбатан айтилади. Шоир шеърида шундай:

رُوبَةٌ يَذْكُرُ بَعِيرَهُ

قَرَوَاءَ مَرَجَابِ فُنُقْ

²⁵³ XI аср тилида камбағал маъносида, асосан, чигај сўзи қўлланган. Чунки М. Кошғарий бу сўзни айрим қабилаларнинг чіған тарзида, айрим қабилаларнинг чігај тарзида талаффуз қилишларини кўрсатган. Шунинг ўзи бу сўз у даврда ҳамма қабилаларда ҳам қўлланганини кўрсатади. Бу сўз Навоийда ҳам учрайди.

Тиндурур бою чигајни ҳокими равшан замир,
Уйни ёритмас кўсов ўн қатла ёрутсанг ани.

Ҳар хил ҳаракатлар билан қўлланган **فعلال**
фаълол шаклидаги сўзлар

شنبوی шанбуј — бошқа бир зиёфатдан сўнг кечаси ҳо-
зирланган ичкилик зиёфатининг номи (канжакча).
بوختای бохтај — кийим бўҳчаси. Бу сўзнинг **بوختوی** бохтуј
шакли ҳам бор.

لوختای лохтај — Чиннинг бир хил қизил ипак кийимлиги,
устиди сариқ холлари бўлади.

قنجوی қунчуј — саййида хотин. У **خاتون** хатундан бир
даража тубандир. **قاتون** қатун қунчуј де-
йиш шундандир.

بغداى буғдај — буғдой. Мақолда шундай келган:
بغداى قاتندا سرفچ سقالور буғдај қатнда сарфач²⁵⁴
сувалур — буғдой орқасидан қорамуғ ҳам сув ича-
ди. Бу мақол бировга ҳамсуҳбат бўлиш натижа-
сида яхшиликка эришган кишига айтилади. Бар-
сағонликлар **بغداى** буғдај деб талаффуз қила
олмайдилар, улар **будгаى** будгај дейдилар. „Барса-
ғонлик эмасман“ деган кишига шу сўзни айттириб
синалади.

چلداى чілдај — отларнинг кўкрагига чиқадиган бир яра.
Уни доғлаб тузатадилар.

سامدوی самдуј — иссиқ, совуқликда ўртача бўлган, та-
биатга ёқадиган таом номи.

قرداى қордај — бир хил қуш. Шиеърда шундай келган:

²⁵⁴ Бу сўз босма нухала **سرفچ** сарфач шаклида берилган бўлса ҳам, аслида

سرفچ сарқач бўлиши керак. I томда **سرفچ** шаклида тўғри берилган эди.

قردى قغو анда **اجب** **يمغن** **اتار**

قزغن **ينكان** **سيرب** **انن** **انى** **بتار**

Қордај²⁵⁵ қуғу анда учуп јумғин бтәр
Қузғун јанан сајрап аннн уни бұтәр.

Жой гўзаллигини таърифлаб айтади: бу ерда
қордај қуғу ва бошқа қушлар сув атрофида ҳар хил
ёқимли овозлар билан сайрашадилар, катта қарғалар,
чипор қушлар сайрай бериб, товушлари битади.
қомшуј — қон билан тўлган кана. Бу сўз сийди-
ги тутилиб, сиялмај қолган одамга ҳам масал
тариқасида сўзланади.

بورغوی борғуј — пуфлаб чалинадиган карнай.

جرغوی чїрғуј — ўқ темирининг қалин, шишган жойи.

جرغوی чїрғуј — тўннинг қўлтиги остидан ўтказиладиган
ўмров.

چلغای чалғај — қуш қанотининг учлари.

قرقوی қїрқуј — қирғий. **یوۋ یوۋ** јуъ, јуъ деган қуш.

Шунга ўхшагани учун **چبک** **قزغوی** чёпак қїрғуј
дейлади (душман келганини билдириш учун).

²⁵⁵ Қурдај сўзи М. Қошғарий томонидан **حواصل** ҳавасил қуши деб изоҳ-
ланган. Қоғу ҳам шундай изоҳланган эди (қаранг: III том, 170-бет). Қузғун катта
қора қарға деб изоҳланган. Бизда ҳам ҳозир қора қарға маъносида қўлланади.
Навоийда ҳам қузғун — қора қарға маъносида учрайди. Ҳатто, Навоийда кўчма
маънода — қоронғи тун маъносида ҳам қўлланган:

Чунки тун қузғуни ҳаво қилди,
Тонг қуши навҳа ибтидо қилди.

قَرغُو۰۰۱ қарғуј — тоғ чўққисига ёки баланд ерларга минорага ўхшатиб ясаб қўйиладиган жой. У ерда ўт ёқилиши билан душмандан хабар берилади ва одамлар ўзларини ҳам, молларини ҳам қутқаришга ҳаракат қиладилар.

مِنْغُو۰۰۱ мінғуј — қоғоз ёпиштиришда фойдаланиладиган бир хил хамир. Яхши ёпишиши учун уни сув билан қайнатилиб қўйилтирилади.

جَلْقُو۰۰۱ чулқуј — جَلْقُو۰۰۱ اَتَكُ чулқуј Этўк — тўниғининг бир томони ёрилиб кетган этик. Қўли ногирон, чўлоқ одамга جَلْقُو۰۰۱ اَلْكُ чулқуј элиг дейиш ҳам шундандир.

БЕШ ҲАРФЛИЛАР БЎЛИМИ

تَرْغِي۰۰۱ таріғчі — дон экувчи деҳқон.

سَرْغِي۰۰۱ соруғчі — йўқолганни сўроқловчи.

قَرْغِي۰۰۱ қоруғчі — қўрувчи. Нарсани қўриқловчи.

قُرْنَجِي۰۰۱ қурунчі — чодирда, бошқа ерда тутундан қорайган намат. Бошқаси ҳам шундай.

بُقْرَسِي۰۰۱ буқурсі — сопқон темири.

Бу бўлимнинг олти ҳарфлилари

جَنْجَرِغَا چانчурға — чумчуқ.

سَكْلَنْجُو۰۰۱ сёклиўнчў — қовурма.

قَمْلَانْجُو۰۰۱ қамланчу — اِكْى اُوکوزُ икки őkүз дарёси яқинидаги кичик шаҳарча номи.

كَزَلَنْجُو۰۰۱ кизләнчў — яширин. Мақолда шундай келган: كَزَلَنْجُو۰۰۱ كَلْنَدَا кизләнчў кәлиндә — яширин нарса келинда бўлади, чунки у яхши нарсани эри учун яшириб қўяди.

كَسَلَنْجُو۰۰۱ кәслинчў — боши кичик, думи узун бир махлуқ.

فَعُولِي۰۰۱ фауллі шаклидаги сўзлар

حَقْبَرِي۰۰۱ ҳуқубарі²⁵⁶ — маъдан моддалари эритиладиган гилвата идиш.

قَرَاغْنِي۰۰۱ қарағуні — болаларнинг кечаси ўйнайдиган бир хил ўйинининг номи.

فَعْلَالِي۰۰۱ фаълал²⁵⁷ шаклидаги сўзлар

تُرْمَتَا۰۰۱ турумтај²⁵⁸ — йиртқич қушлардан бирининг номи. Одам ҳам تُرْمَتَا۰۰۱ турумтај деб аталади. Шундай лақаб берилади.

Тўрт ҳарфли исмлар китоби тугади.

²⁵⁶ Бу сўз ح ҳарфи билан берилган. Ҳолбуки, бу ҳарф туркчада йўқдир. Шунинг учун Басим Аталай ва Броккелманларнинг бу тўғридаги шубҳалари жуда тўғридир (қаранг: „Девон“ таржимаси, III том, 243-бет).

²⁵⁷ Бу сўз فَعْلَالِي۰۰۱ эмас, فَعْلَالِي۰۰۱ бўлиши керак.

²⁵⁸ تُرْمَتَا۰۰۱ турумтај II томда қул номи маъносида изоҳланган: اَلْتِي۰۰۱ تَرْمَتَا۰۰۱مِنِي۰۰۱ алті турумтајимні — Турумтой номи қулимни олиб қочди (қаранг: II том, 88-бет).

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

ТҮРТ ҲАРФЛИ ФЕЪЛЛАР БОБИ

Икки ҳарфлилар

تَيْدِي тајдї — тойди. **اَر تَيْدِي** эр тајдї — одам тойди.

Шунингдек, ҳар бир ҳайвоннинг оёғи ёмғир ёки батқоқда тойишига ҳам бу сўз қўлланади. (**تِيَار** тїяр, таїмақ).

تُوْجْدِي тујдї: **اَر ايشِن تُوْجْدِي** эр ішін тујдї — одам ишида ўзига номаълум (яширин бўлган) бир нарсани сезді. (**تِيَار** тїяр, тујмақ).

تِيْجْدِي тїјдї — тийди. **اَلْ اَنِي تِيْجْدِي** ол анї тїјдї — у уни тийди, бирор ишдан қайтарди. Бу сўзнинг асли **تِيْجْدِي** тїјдї эди, сўнг енгиллатилгандир. (**تِيْمَاق** тїмақ, тїјмақ).

تُوْجْدِي тојдї — тўйди. **قَرْن تُوْجْدِي** қарн тојдї — қорин тўйди. Бу сўзнинг асли **ذ** билан **تُوْجْدِي** тозтї эди, юқорида айтганимиздек, **ذ** ни **ي** га айлантирувчиларнинг тил хусусиятига мувофиқ ҳарфлар алмаштирилгандир. (**تِيَار** тїяр, тојмақ).

سُوْجْدِي сојдї **اَر قُوْجْدِي سُوْجْدِي** эр қојуғ сојдї — одам қўй терисини шилди. Бошқаси ҳам шундай. (**سِيْمَاق** сїмақ, сојмақ). Мақолда шундай келган: **بِير تَلْكُو** бір тїлкў тэрісін ікілэ сојмас — бир тулки териси икки марталаб шилинмайди.

Бу мақол одамдан бир марта яхшилик қўриб иккинчи марта ҳам яхшилик истаган киши ҳақида айтилади.

قَيْدِي қайдї: **قَدَاشِنَا قَيْدِي** қадашнэ қайдї — яқинига меҳрибонлик қилди. Бошқаси ҳам шундай. Мақолда шундай келган: **قَدَش تَمِش قَيْمَادُق. قَدَن تَمِش** Қазаш тэмиш қаймадуқ, қазін тэмиш қаймиш — биродар деса, яқин деса, меҳрибонлик қилмапти, қайната дегандагина меҳрибонлик кўрсатипти. Бу мақол совчиларни ҳурматлашга риоя қилиши зарур бўлган одамга нисбатан айтилади.

Шеърда шундай келган:

بِرْدِنَك نَلَكْ اَيْمَدِنَك كِيْرُو كُرْب قَيْمَدِنَك
كِنَا* بَرُو يَيْمَدِنَك بَلْدِنَك اَرِنَج بَلْمَعُو

Бардін нэлэк ајмадін
Кірў көрўп қаймадін
Көңүл бэрў јаймадін
Болдуң эринч болмағу.

Кетдинг, ammo кетишингни нега айтмадинг, нега меҳрибонлик қилмадинг, орқангдагиларга эътибор бермадинг, нега кўнглинг бизларга мойил бўлмайди. Ҳозир энди ўзингга нолойиқ шундай бир ҳолга тушдинг.

قَيْدِي қайдї: **كِيْرُو قَيْدِي** кэрў қайдї — орқасига қаради. (**قِيَار** қайар, қаймақ).

* Босма нусхада арабча **كِنَا** шаклида янглиш берилган, **كِنَك** бўлиши керак.

قۇيدى كۈيدى: ار كۇبا سۇف قۇيدى —
одам кубга сув қуйди ва сувни унда чайқатди.
Шунингдек, бошқа ҳар бир суюқ нарсага ҳам бу
сўз қўлланади. (قىماق. قيار. قۇجار, قۇймаق).

قويدى قويدى: ات قويدى — от ҳуркиб қочди.
Бошқаси ҳам шундай. (قىماق. قيار. قۇجار, قۇймаق).

قويدى كويدى: ار سوزن قويدى — одам сў-
зидан, ваъдасидан айнади.

قويدى كويدى: ال يغاج قويدى — у
ёғочни қайириб кесди. (قىماق. قيار. كيار, كиймак).

كويدى كويدى: اتنك كويدى — отуң кўйді —
ўтин ёнди. Бошқаси ҳам шундай. (كىماق. كيار. كۇيار, кўймак).

Бу бўлимнинг бошқа бир тури

جويدى جويدى: ال سۇفدا تونغ جويدى — у тўнини сувда силкитди, чайқади.

جويدى جويدى: ال مەنك كنگل جويدى²⁵⁹ — у менин кўнглимни рағбатлантирди. Бош-
қаси ҳам шундай.

جويدى جويدى: ال يغاج جويدى — қимирлатди. (ييار. ييماق).
جويدى — шамол дарахтни қимирлатди. (يار. ييماق).
جويدى — шамол дарахтни қимирлатди. (يار. ييماق).
جويدى — шамол дарахтни қимирлатди. (يار. ييماق).

²⁵⁹ Бу сўз бома нусхада كنگل ёзилиб қолган (қаранг: III том, 186-бет), тўғ-
риси كنگل дур.

Бу бўлимнинг бошқа бир тури

بادى بادى — боғлади. ال اتغ بادى — ол атғ баді — у
отни боғлади. Бошқаси ҳам шундай. Ҳар бир нар-
са ип арқон билан боғланса ҳам, шу сўз қўлла-
нади. (باماق. بار. بار, бамақ).

تودى تودى: ال اغزن تودى — ол оғзин туді — у
оғзини юмди. Ҳар бир тешик бекитилишига ҳам бу
сўз қўлланади. (تور. تور. تور, тумак).

تيدى تيدى: ال مەنكا انداغ تيدى — ол мәнә андағ тәді —
у менга шундай деди. (تير. تير. تير, тәр, тәмәк).

سادى سادى: ار قويع سادى — эр қојуғ сәді —
одам қўйни санади. Бошқаси ҳам шундай. (سار.
ساماق. سار, самақ). Шеърда шундай келган:

قرا تونك كجرسادم اغر اونى اجرسادم
يتيكانك قجرسادم سقس اجرا كنم تغدى

Қара тўнүг кәчүрсәдәм
Ағір унї учурсәдәм
Јәткәннig қачурсәдәм
Сақиш ичрә кўнүм туғдї.

Қоронғи кечанинғ ўтишини истадим. Оғир уй-
қуни²⁶⁰ қочирини истадим, бир неча марта Етти

²⁶⁰ Басим Агалай бу сўзиниң булиши кераклиги ҳақида изоҳ берган
(қаранг: туркча таржимаси, III том, 248-бет).

қароқчи юлдузининг айланишини санадим²⁶¹. Санамоқда эдим, кундуз қуёши порлаб чиқди.

سودی суді: أَلْ أَنْكَرُ بُؤُنْ سُوْدِي ол анар боюн суді-- у унга бўйсунди, итоат этди.

سودی суді: أَلْ مَنكَا يُونَكْ سُوْدِي ол мәнә јүн суді— у менга тўқиш учун юнг юборди. (سُورُ. سُوماق) сур, сумақ).

سیدی сіді— синдирди. اَنْ اَتُنْكَ سِيْدِي ол отун сіді— у ўтинни синдирди. Бошқаси ҳам шундай.

سیدی сіді— енгди (синдирди). أَلْ سُوْنِي سِيْدِي ол сўни сіді— у аскарни енгди. (سِيْرُ. سِيْمَاق) сір, сімақ).

قادی қаді اَلْ اَشْجِكَا اَتُنْكَ قَادِي ол ашчкә отун қаді— у қозон атрофига ўтин уйди.

قادی қаді: أَلْ تُوْنُغْ قَادِي ол тонуг қаді— у тўнни сандиққа тахлади. (قَامَاق. قَارُ) қар, қамақ). Бу яғмолар сўзидир. Тўғрироғи قَالَادِي қаладидир.

²⁶¹ اَتِيْكَانِكْ قَجْرُ سَادِمُ јатіканіг қачурсадім гапани Маҳмуд Кошғарий دەرددەت دوران بنات بېمش مراراً деб берган, яъни Етти қароқчи юлдузининг айланишини бир неча марта санадим демакдир. Демак, قَجْرُ سَادِمُ қачурсадімни бир неча марта санадим деб изоҳлаган. Ҳолбуки, „Девон“нинг ҳар уч томидаги қачурмақ, қачмақ, қачтурмақ сўзлари тамом бошқа маънода изоҳланган. Демак, бу сўз қанча маъносидаги قَجْ қач сўзидандир. Шу ҳолда, қачурдаги ур сўзи марта маъносида келган бўлади.

Бу бўлимнинг бошқа бир тури

يُودِي јуді— ювди. أَلْ تُونْ يُودِي ол тон јуді— у тўнни ювди. Бошқаси ҳам шундай. (يُورُ: يُوماق) јур, јумақ).

ييدي јәді— еди. أَلْ اَشْ يِيْدِي ол аш јәді— у ош еди.

Бошқаси ҳам шундай. Ябоқу қабиласи тилида بِيْمَاكْ كَشْنِي يِيْدِي бәг кішіні јәді дейдилар— бек одам молини нес-нобуд қилди, демакдир. (يِيْمَاكْ) јәр, јәмақ).

Бу феъл турини биз тўрт ҳарфли деб атадик. Чунки биринчи шахсни ифодаловчи сўз тўрт ҳарфлидир. اَتْ بَادِمُ ат бадім— отни боғладим.

قَوِي سَادِمُ қој садім— қўйни санадим дегандаги каби. Бу ҳол арабчада ҳам عَدَوْتُ. عَدَوْتُ каби. Арабчада тўрт ҳарфлидир. Булар орасидаги ўхшашликка мувофиқ шундай аталди.

Фаалди шаклида ўртаси уч хил ҳаракатлар билан қўлланадиган сўзлар бўлими

اَيِيْدِي абіді— яширди. اَلْ اَنِيْ كَشِيْدَنْ اَيِيْدِي ол ані кішідән абіді— у уни одамлардан яширди. Ҳар бир нарсани бировдан яширишга ҳам бу сўз қўлланади. (اَيِيْمَاق. اَيِيْرُ) абір, абімақ).

اَتَادِي атаді اَلْ اَتَانْكَرُ اَتْ اَتَادِي ол анар ат атаді— у унга бир лақаб берди. От қўйиб аташга ҳам бу сўз қўлланади. (اَتَامَاق. اَتَارُ) атар, атамақ).

آتادی отаді: **أَلْ تَرِغْ أَتَادِي** ол таріғ отаді — у экинни ўтади. Бу экин бузилмаслиги учун япроқларини кесишдир. Баъзан бошлари (учлари) кесилган экинга ҳам бу сўзни қўллайдилар. (**أَتَامَقُ. أَتَارُ** отар, отамақ).

آتادی օтәді: **أَلْ أَنْكُ أَلْمِنْ أَتَادِي** ол анің алімін օтәді — унинг қарзини тўлади. (**أَتَامَاكُ. أَتَارُ** օтар, օтәмәк).

²⁶² **بُلْسَا كَمْنُكُ أَلْتَنْ كُمْشُ أَرَلَا أَتَارُ**

²⁶⁸ **أَنْدَا بَلْبَ تَنْكُرُبُكْرُوا تَبِغْنُ أَتَارُ**

Болса кімің алтун кўмуш ірла օтәр,
Анда болуп тәңрібүкрү тапғін օтәр.

Кимнинг олтин, кумуши бўлса, уй-жой қуради.
Жойидан хотиржам бўлгач, у ерда худога ибодат қилади.

آتیدی օтіді — дазмол қилди. **أَلْ تُونُغْ أَتِيدِي** ол тонуг օтіді — у тўн чокларини темир (дазмол) билан силлиқлади. (**أَتِيمَاكُ. أَتِيرُ** օтір, օтімәк).

